

С.П.ТОЛСТОВ ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Ғафурова Маҳлиёбону

УрДУ тарих факультети 3-босқич талабаси

Дунё тамаддунига катта ҳисса қўшган Хоразм замини, ундаги қадимий қалъалар ҳамиша нафақат сайёҳларнинг, балки тарихчи археологларнинг ҳам эътиборини тортиб, қизиқишини ошириб келган.

Ана шу қизиқиш ва истак, қолаверса собиқ иттифоқ давридаги Ўзбекистонда археологияга бўлган эътибор боис Хоразм воҳасида ҳам тадқиқот ишлари олиб борилган ва катта натижаларга эришилган.

Маълумки, 1929 йилдан Хоразм воҳасида А.Якубовский, 1936 йилдан Я.Ғуломов ва 1937 йилдан С.П.Толстов бошчилигидаги экспедициялар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Ушбу экспедицияларнинг ҳар бири ўз тадқиқотларига асосланиб асарлар ёзишди ва уларнинг ҳозиргача илмий аҳамияти катта бўлиб қолмоқда. Масалан, А.Якубовскийнинг “Кўҳна Урганч харобалари”, Я.Ғуломовнинг “Хиванинг меъморий обидалари”, “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” асарлари шулар жумласидандир.

Табиийки ушбу асарлар ичида С.П.Толстовнинг “Қадимий Хоразм”, “Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб” асарлари ҳам дунё илму фанида катта нуфузга эга ва кўплаб тилларга таржима қилинган.

Ушбу асарларга асос фақат 1937 йилдан бошланган экспедиция материаллари бўлиб, улар орасида 2-жаҳон уруши даврида олиб борилган тадқиқот ишлари ҳам мавжуд. Маълумки, 1941 йил 22-июнида иккинчи жаҳон урушининг собиқ иттифоқ ҳудудида ҳам бошланиши туфайли кўпчилик қатори С.П. Толстов ҳам кўнгилли бўлиб урушга отланди.

Афсуски, оғир артиллерия капитани С.Толстов Москва атрофларидаги жанглардан бирида оёғидан яралангач, заҳирага олинди ва айнан илму фан билан янада мустаҳкам шуғулланиш ниятида Хоразмга қайтиб келди.

У ўз экспедицияси ишини давом этдириб, археологик тадқиқотларини ҳамкасблари билан давом этдирди. Негаки С.П.Толстов археолог сифатида Ўрта Осиё заминида фақат Хоразмгина энг бой тарихга эга, деб ҳисобларди. Сергей Павлович Толстов туркий ва форсий тилларда бемалол гапира олар, ҳар қандай киши билан дарҳол тил топишиб кетарди. Қариялар билан "Қуръон" суралари хусусида, халқ дostonлари тўғрисида сўзлашар, аёллар билан эса алла, ёр-ёр қўшиқлари ҳақида гурунглашарди. Маҳаллий аҳолидан йўлбошчилар, ишчиларни экспедиция ишига жалб қиларди. Натижада бир пайтнинг ўзида Кўзали, Гулдурсун ва Аёз, Чилпиқ, Кат, Девқаъла, Қўйқирилганқаъла ҳамда Тупроққаълада тадқиқот ишлари бошлаб юборилди.

У археологияда биринчи бўлиб топографик суратга олиш ишларида аэропландан кенг фойдаланди. Олиб борилган дастлабки текширишларидаёқ топилган ашёвий далиллар Толстовнинг илмий фаразлари тўғрилиги—қадим қаълалар қум барханларига ўз сирларини бекитиб олганини кўрсатди. Шу тариқа 1943 йилдан бошлаб экспедиция кўплаб қаълаларни ўрганишда давом қилди.

Тўрткўллик кекса педагог, фидойи ўлкашунос, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Исмоил Жуманиёзов Толстов билан учрашганларини шундай эслаган эди:

"..Мен Сергей Павлович билан 1945 йилнинг ёзида танишдим. Бу пайтда 9 майдаги собиқ иттифоқ ғалабаси боис кўпчиликда кўтаринки кайфият эди. Ана шундай кунларнинг бирида район партия комитети биринчи котиби Маҳкам Мирзааҳмедов мени ўз хонасига чақирди. Мен у пайтда район партия комитетида бўлим мудирини вазифасида ишлардим. Борсам у ерда баланд бўйли, йирик гавдали бир рус киши ўтирган экан. Стол ўстида мис тангалар, сопол ҳайкалчалар, ёзувли хум синиғи териб қўйилганди. Булар қўйқирилган қаъладан топилган ашёлар экан. Шу кунини Толстов билан танишдим. Маҳкам ака археология ишларини, Тўрткўлда фаолият олиб бораётган экспедиция ҳолидан хабар олиб туриш, ёрдам беришни менинг зиммамга юкледи. Бу вақтда экспедицияда олтмиш-етмиш нафар киши ишларди. Сергей Павлович уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун шифокор ажратишни сўради. Шу тариқа археологларга тажрибали шифокор Сейтмамбет Оқназаров бириктирилди".

Сергей Толстов оддий, камтар киши бўлиб, экспедициянинг чодирдан тикланган ошхонасида ҳамма қатори овқатланар, раҳбарман дея манманликка берилмасди. Ишни ҳам барча қатори бажарарди. Ана шу камтаринлик ва фидойилик Толстовни академик, етук олим даражасига чиқарди. У 1946 йил 4 июлда Москвада бўлиб, фанлар академиясига Хоразмда иш олиб бораётган экспедицияга доир ҳисобот берди: "Шу давргача номаълум бўлган 200 та қаъла сири очилди. Ўн бир минг квадрат майдонда, ер қаърида 15-20 минг йил ётган антропологик, археологик ашёвий далиллар, ибтидоий жамоа, қулдорлик даври, қадимий Хоразм давлатининг пайдо бўлиши, юксалиши ва емирилишига доир ашёвий топилмалар тарих фанида янгилик бўлди. Қизилқум барханлари остида қолиб кетаётган, баландлиги ўн метрли Тупроққаъланинг исломгача бўлган даврда бунёд этилганлиги аниқланди. Бу ердан катта қаср, қурол аслаҳа устахонаси, подшоҳлар маскани, "ҳарбийлар зали" . "ғалаба ва тантаналар зали" каби икки хонали қошоналар топилди"..

Қаъла қабрларидан топилган қулчилик даврининг маҳсули—олтин, кумуш, танга пуллар, билағузук, зирак, бўйинга осиладиган тошлардан ишланган безаклар дунё тарих фанида катта шов-шувга айланди. Бу осори атиқалар айрим олимлар орасида тарқалган ирқий концепцияни, шунингдек , "Шарқ маданияти" ғарб цивилизациясининг акс-садоси" деган шовинистик фикрни чиппақга

чиқарди. Қолаверса, экспедиция изланишлари натижасида ғарб билан шарқни боғлаб келган "Буюк ипак йўли" нинг Хоразм орқали ўтгани аниқланди.

С.П.Толстов бошчилигидаги экспедиция шу тарзда иккинчи жаҳон уруши давом этаётган даврдаги қийинчиликларга қарамай, Хоразм воҳасида археологик тадқиқот ишларини олиб борди ва катта илмий натижаларга эришди. С.П.Толстовнинг бу илмий натижалари эса "Қадимий Хоразм"(1946), "Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб "(1947) асарларида акс этдирилди. Ана шу ва бошқа асарлари эса С.П.Толстовнинг номини илму фан тарихига абадий киритди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.П.Толстов, "Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб", Тошкент, -2014, "Янги аср авлоди" нашриёти.
2. У.Бекмуҳаммад, "Хоразм ва хоразмликлар" 4-жилд, Бухоро-2022 йил", "Дурдона" нашриёти.